



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларимизни маънавий-руҳий соғломлаштиришни мустақамлаш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРИШГА ВАҚТ ЙЎҚ

интилганга имконият
эшиклари очик **2-бет**

Муаммо ҳақида мулоҳаза

ИШЛА. АРИЖОН. ИШЛА!

4-бет

ГАДОЙБОЙ ВА РОМАНОВ

ҲАМКОРЛИГИ **Тарихий-хужжатли очерк**

9-бет ёхуд икки халқ
вакилининг аччиқ қисмати

Юсуфжон

қизиқ

ҳангомалари

«МИХ ОПЕРАЦИЯСИ»

Ҳажвия

10-бет



11-бет

«УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ» БОШЛАНДИ

Ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳарбийларимизнинг спорт маҳоратини ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари, спорт майдончалари яратилмоқда. Мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва талабалар универсиадаларини ўтказиш анъанага айланган. Спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича ўтказиладиган «Умумармия ўйинлари» ҳам улар орасида муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги уларнинг жанговар тайёргарлигида муҳим бўғиндир. Чунки фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама тайёргарликка эга посбон барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифаларни ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

Шу йилнинг 9 апрелигача Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича иккинчи «Умумармия ўйинлари» мусобақалари бўлиб ўтади.

«Умумармия ўйинлари» Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарорлари асосида ўтказилиб, устувор мақсади ёшларимизни, ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, уларнинг маҳорати ва жисмоний тарбияси даражасини ошириш ҳамда бу билан оммавий спорт ва катта спортни боғловчи бўғин ҳосил қилишдан иборат.

«Умумармия ўйинлари» Қуролли Кучларимизнинг барча кўшин турлари учун очик бўлиб, ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, ёшларимиз орасидан кўплаб спорт усталарини, янги-янги чемпионларни кашф этиб, уларни спортдаги ютуқлари билан Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга руҳлантиришдир.

«Умумармия ўйинлари» дастурига кўра, мусобақалар жадвалидан ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол ўрин эгаллаган. Анъанага айланиб бораётган «Умумармия ўйинлари» ҳар икки йилда ўтказилиб, дастлабкиси 2004 йил Тошкентда бўлиб ўтган.

Иккинчи «Умумармия ўйинлари» ўзига хос кўрик-танлов бўлиб, унда ҳарбий спортчилар ўз маҳоратини ва қобилиятини намоён этиш, спорт соҳасида муваффақиятларга эришиш имкониятига эга бўлади.

Давоми 3-бетда

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

Аҳолининг аксарият қисмида касаба уюшмалари тўғрисидаги тасаввур эскича. Мазкур ташкилотни соғломлаштириш учун йўлланма ажратадиган, моддий ёрдам кўрсатадиган, байрам тадбирлари ўтказадиган ва шунга ўхшаш юмушларни бажарадиган ташкилот деган фикр, айниқса, кўп учрайди. Холбуки, касаба уюшмалари олдида турган асосий вазифа аҳолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватладан иборатдир. Меҳнат қилишни хоҳловчиларга имкон яратиш ва меҳнатга муносиб иш ҳақи тўланишини таъминлаш зарур.

Вилоятда нодавлат тизимидаги корхоналар, тобора кўпайиб бораётган. Фаолият кўрсатётган барча ташкилот ва корхоналарнинг 95,3 фоизи ушбу секторда иш юритмоқда. Фермер хўжаликлари, акционерлик жамиятлари, кўшма ва кичик корхоналар ривожланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда касаба уюшма ташкилотлари асосий эътиборни иш берувчи ва ёлланма ходимнинг ижтимоий муҳофазасига қаратмоқда. Бу эса ўз навбатида жамоа шартномалари мазмунига янгича ёндошишни тақозо этади. Бугунги кунда вилоятдаги 12105 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхонада жамоа шартномалари тузилган. Улар орқали 242328 нафар ходимнинг иш ҳақи, меҳнат муҳофазасига оид манфаатлари қамраб олинган.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш юзасидан аниқ дастур мавжуд. Бу борада

тилган 1503 нафар ходим қайта ишга жойлаштирилди. Вилоят миқёсидаги худди шундай 4132 нафар ишчи қайта ўқитилиб, малакаси оширилди.

Касаба уюшма ташкилотлари, айниқса, аёллар меҳнатини ҳимоялашга асосий эътиборни қаратишмоқда.

Республика ҳукуматининг "Хотин-қизларни ижтимоий

моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш учун сарфланган маблағ 296,2 миллион сўмни ташкил этди.

Касаба уюшмалари қошида фаолият юритаётган "Меҳнаткашларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш" жамоатчилик маркази томонидан 1350 тага яқин меҳнат қонунларининг бузилиш ҳолатлари аниқланди. Касаба уюшма

нишга муҳтожларга имконият яратиш мақсадида йўлланмалар муддати 9-12 кунлик қилиб белгиланди. Бундан ташқари, соғломлаштиришга ҳомийларнинг маблағлари ҳам жалб этилаётган. Масалан, ўтган йили зоминлик бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳомийлар маблағи ҳисобидан "Ботаника" санаториясида даволаниб қайтишди. Болаларни соғломлаштиришда ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Бугунги кунда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базаси етарли эмас. Мавжуд айрим жиҳозлар фойдаланишга яроқсиз. Арнасой, Зарбдор, Фаллаорол туманлари тасарруфидаги оромгоҳлар фақат 1-2 босқичда фаолият кўрсатмоқда холос. Масалан, Арнасойда 970 га яқин фермер хўжалиги бўла туриб, туман Агросоноат мажмуига қарашли Фориш туманининг тоғли худудида жойлашган "Табассум" оромгоҳига ўз фарзандларини юбормадилар.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили Давлат дастурини бажариш бўйича бу йил ҳар бир оромгоҳнинг камида уч босқичда ишлаши йўлга қўйилди.

Аъзам ИХТИЁРОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбасари

ҚўЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРИШГА ВАҚТ ЙЎҚ ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЭШИКЛАРИ ОЧИҚ

вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда мутасил равишда "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилапти. Шунга мувофиқ ушбу бошқарма билан "Янги иш ўринларини яратиш тўғрисида" Истиқболли дастур ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат доирасида барча туманларда меҳнат ярмаркалари, иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилди. Афсуски, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш муҳим масала бўлиб турибди. Жумладан, вилоятдаги иқтисодий инқирозга учраган корхоналарда ишдан бўша-

ҳимоялашни кучайтириш тўғрисидаги қарорига жавобан жойларда иш берувчилар билан ҳамкорликда турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили корхона ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга имтиёз тариқасида 2,4 миллион сўмлик ҳақ тўланди. Уларнинг меҳнат таътиллари узайтирилди. 518 та корхона ва ташкилотларда ишлаётган 3294 нафар аёлга туғриқ таътилга чиққанлиги учун 43,3 миллион сўмлик нафақа берилди. Бундан ташқари кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилалар, ногирон ва етим-есирларни

аъзоларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Ёки вилоят кенгаши тақдимномасига кўра 91 нафар ноқонуний ишдан бўшатилган ходимлар вазибаларига қайта тикландилар.

Санаторий-курортлар учун йўлланмалар биринчи навбатда кам таъминланган оилаларга, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва байналминалчи жангчиларга тарқатилмоқда.

Баъзан санаториялар учун маблағ етмаяпти, деган гап-сўзлар қўлоққа чалиниб қолади. Лекин, маблағлар етарли эмас деб, қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқ. Давола-



Кегайли туманидаги 1-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган фольклор тўғраги ўқувчиларни ижрочилик маҳоратини эгаллашига кўмаклашмоқда. Бунда тўғрак раҳбари Улбўсин Утимуратованинг хизмати катта бўляпти. У 11 нафар ўғил-қизга халқ ашула ва рақсларини сидқидилдан ўргатапти. Тўғрак аъзоларидан иборат «Ойдар тўй» болалар фольклор дастаси 3 йилдан буён республика миқёсидаги кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Даста бугунги кунда янги ижодий парвозлар сари тинимсиз ҳаракат қилмоқда.

Суратларда: даста аъзолари.



Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ПАНД БЕРГАНЛАР ДОҒДА ҚОЛДИ

Тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий онг ва тафаккури юксалаёпти. Эътиборли жиҳати, улар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида дадил тура олаётгани, қонуний манфаатлари поймол бўлишига йўл қўймаётганидир. Бугунги ишбилармон ҳар жиҳатдан камолга етди. Муносабатларни қонуний асосда ҳал этишга бўлган интилиш ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Боёвтулик фермер Абдухолик Норалиев ҳам уста деҳқонлардан бири эди. Шу чоккача даласи-ю ҳосил етиштириш ташвишидан ортмаган. Фермер бўлгач, фақат далада ишни ташкил этишнинг ўзи кифоя қилмаслигини англаб етди. Даврдан ортда қолмаслик ниятида ўқиб-ўрганди. Мана шу билимлари танг ҳолда қолганида асқотди. Ўтган йили фермер «Турон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан 48 тонна пахта хом ашёни етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномаси имзолаганди. Тадбиркор аҳдига вафо қилди. Аммо пахтани қайта ишлаш корхонаси турли баҳоналарни рўқач қилиб, ваъдасини бажармади. Гарчанд шартнома бўйича харид қилинган ҳосил пулини 7 кун муддатда тўлаб бериш кўзда тутилса-да, бу масала ўз фурсатида ҳал этилмади. Фермер қистовга олгач, пулни бўлиб-бўлиб тўлаб бошлади. Барибир 416 минг 596 сўмни ўтказиб беришни чўзиб юборди.

Абдухолик Норалиев ҳам анойилардан

эмасди. Сирдарё вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди. Шериғи қилмишини адолат тарозисига солиб кўришни талаб қилди. Масала судда холисона кўрилди. Даъвогар ва жавобгар вакиллар фикри эшитилди. Кечиктириб тўланган асосий ҳақда тўланмасдан қолган қарз учун «Турон» корхонаси 523112 сўмлик жарима билан «сийланди». Шундай қилиб, фермер нафақат қарзини, балки мўмайгина жаримани ҳам қуртдек санаб олди.

Гулистон пахта тозалаш корхонаси ҳиссадорлик жамияти ҳам шерикча панд беришнинг таъминини татиб кўраётганлардан бири. Корхона ўтган йили «Али ота» фермер хўжалиги билан 58,5 тонна пахта хом ашёси учун шартнома тузганди. Фермер йил давомида астойдил тер тўкиб, аҳдига вафо қилди. Аммо корхона зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга келганда сўзидан қайтди. Фермер вазиятни чигаллаштирмаслик, муносабатларни бузмасликка ҳаракат қилиб кўрди. Меҳнат ҳақини оз-оздан тўлаб бераётганига ҳам

қаноат қилди. Аммо қарийб уч миллион сўмни ундиришга қолганда югур-югурлардан чарчади. Охир-оқибатда муносабатларга суд орқали аниқлик киритишга аҳд қилди.

Тадбиркор ҳеч маҳал ўзгага азият етказмайди. Лекин у ноҳақликни ҳам ҳазм қилолмайди. «Али ота» фермер хўжалиги даъволари ҳам асосли, деб топилди. Оқибатда пахта тозалаш корхонаси 728 минг 430 сўмлик жарима ҳамда қарзининг қолган қисмини тўлаб беришга мажбур бўлди.

Таассуфланарли томони шундаки, пахта тозалаш корхоналари шартномага амал қилмасдан озмунча чикимдор бўлмаяпти. Бу уларнинг иқтисодига катта таъсир кўрсатаётгани ҳам сир эмас. Шартнома шартларига амал қилинса, катта-катта жарималарга чек қўйилган бўларди. Бу маблағлар бировларга бериб юборилганидан меҳнат муҳофазасига, техника хавфсизлигига, ходимлар ижтимоий муҳофазасига сарфланса, нур устига аъло нур бўларди. Соҳа мутасаддилари бу хусусда қачон жиддийроқ ўйлаб кўришаркин?

Тоҳир ТОЖИБОВ,
Сирдарё вилоят хўжалик суди судьяси

Тадбир СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...

Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Наврўз кунига бағишлаб Муқимий номидаги мусиқий театрда «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Анжуманда 500 нафар ўқитувчи, мураббий, касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Унда халқ таълими тизимида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар, касаба уюшмаси ва меҳнат фахрийларидан 20 нафари қимматбаҳо совға билан тақдирланишди. Байрам иштирокчиларига театрнинг «Жайдари келин» спектакли намойиш этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси касаба уюшма бирлашган кўмитаси ва уларнинг тасарруфидаги касаба уюшма ташкилотлари маҳаллий ҳокимиятлар, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқарма ва бўлимлари, олий ўқув юрлари маъмуриятлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда байрам тадбирлари ташкил қилдилар. Жойларда «Сен муқаддассан, мўтабар аёл» мавзуида маданий-маърифий тадбирлар, «Иқбол», «Балли, қизлар» кўрик-танловлари ўтказилди. Байрам тадбирларида кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган 4300 нафардан ортиқ аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятлари кенгашлари томонидан «Соғлом оила», «Она соғлиги — фарзанд бойлиги» шiorлари остида хотин-қизлар спартакиадалари, оилавий спорт мусобақалари ўтказилди. Худудий ва вилоят босқичларида 35 минг нафардан ортиқ тармоқ хотин-қизлари қатнашдилар. Мусобақа ғолибларига дипломлар, эсдалик совғалари топширилди.

Мадина ШАМШИЕВА

Унда Ўзбекистон компанияларининг Россиядаги ваколатхоналари ҳамда Россиянинг «Альфа-Эко», «Мобильные телесистемы», «Система» АФК, «Газпром», «ЛУКОЙЛ», «РУСАЛ», «Вимм-Билль-Данн», «Балтимор», «Норильский никель», «Внешторгбанк» каби йирик компаниялари раҳбарлари, мутахассислар ва расмий доиралар вакиллари иштирок этди.

Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Россия муносабатларида иқтисодий аста-секин етакчи ўрин эгалламоқда. Йиғилишда ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Россия бизнеси учун саноатнинг деярли барча тармоқларида кизиқиш уйғотаётгани таъкидланди. 2005 йил якунларига кўра, Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги асосий шеригига айланди. Республика жами товар айланмасининг 21,7 фоизи ушбу давлат ҳиссасига тўғри келади. 2005 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажми 41,6 фоизга ошди ва 1026,5 миллион АҚШ доллари га етди. Россиядан импорт ҳажми эса 12,7 фоиз кўпайди ва 1034 миллион долларни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимизда 433 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, юз фоиз Россия сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 284 та корхона ишламоқда. Бу ерда Ўзбекистоннинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари очилган. Улар орасида «ЎЗДЭУавто», «Со-

ахборот алмашувини йўлга қўйишга ёрдам беради.

Ахборот алмашувини таъминлаш, икки томонлама ҳуқуқий, молиявий-инвестицион маслаҳат хизматларини кўрсатиш, ҳамжамият иштирокчиларини Ўзбекистон қонунчилигидаги энг

қамрови ва асосий фаолият туридан қатъи назар, иқтисодийнинг турли соҳаларида Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшиш истаги бўлган барча тадбиркор ва ишбилармонлар аъзо бўлиши мумкин.

ушбу масалалар юзасидан маслаҳат олиш имкониятини яратиш, ўзбекистонлик тадбиркорлар эса ўз навбатида, Россия билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишда шундай ахборот кўмағига эга бўлишига қаратилган.

Шу муносабат билан иқтисодий янгиликларни ёритиш учун ахборот хабарномасини чоп этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. У келгусида Россия бизнесининг Ўзбекистонда, Ўзбекистон бизнесининг Россияда муваффақиятли шаклланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашувчи зарур ахборотларни тақдим этиш билан шугулланади.

Жорий йилнинг апрель ойи бошларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Тошкентда Россиянинг Минтақавий савдо палаталари йиғилишини ўтказишни, кейинчалик «Иқтисодий мулоқот» иштирокчиларининг кенгайтирилган учрашувини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон-Россия ҳамжамияти учун мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни янада қадаллаштириш йўлида хизмат қиладиган муҳим омилга айланади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: ИҚТИСОДИЙ МУЛОҚОТ РИВОЖЛАНМОҚДА

Москвада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон-Россия ҳамжамиятининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди

властитал» корхоналари, Навоий қон-металлургия комбинати, «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон авиация савдо уйи», «Ўзбекки-мёмаш» ва «Фотон-Р» савдо уйлари ва бошқалар бор.

Иқтисодий ҳамкорликни фаол йўлга қўйиш жараёнида бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва ахборот кўмағи муҳим аҳамият касб этади. Янги жамоат тузилмаси - «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон-Россия ҳамжамияти - икки мамлакат тадбиркорларининг ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бу соҳада самарали

сўнги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш унинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундан ташқари, икки томонлама кўргазмалар, бизнес-форумлар, семинарлар, симпозиумлар, амалий учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва бу жараённинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда «Иқтисодий мулоқот» ҳамжамияти икки мамлакат тадбиркорларининг очиқ ва ихтиёрий асосдаги бирлашмаси экани таъкидланди. Унга

Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръатда ривожланаётганига қарамай, мутахассислар ушбу соҳада ҳали фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини қайд этмоқда, дея таъкидланди йиғилишда. Биринчи навбатда, ушбу муносабатларни чуқурлаштириш учун тўлақонли ахборот алмашини йўлга қўйиш зарур. Бундан кўзланган мақсад россиялик сармоядор ва тадбиркорларни Ўзбекистонда бизнес қилиш имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида хабардор қилиш,



Боши 1-бетда

Байрамона безатилган ўйингоҳга карнай-сурнай садолари остида Мудофаа вазирлиги алоҳида намунали-кўргазмалари оркестри жамоаси ва байроқдорлар ордан мусобақа қатнашчилари - 14 жамоа вакиллари кириб келди.

Томошабинлар орасидан давлат ва жамоат ташкилотлари, Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, кенг жамоатчилик вакиллари, спорт фахрийлари жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, капитан Камол Муродов Давлатимиз байроғини, муай-тай бўйича Осиё чемпиони, катта лейтенант Фурқат Мусинов «Умумармия ўйинлари» байроғини кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р.Мирзаев мусобақа иштирокчиларини иккинчи «Умумармия ўйинлари» очилиши билан табриклаб, барча спортчиларга омад тилади.

Спортнинг кўплаб турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари асосини ташкил этувчи ар-

миячи спортчилар эришаётган ютуқлари билан фахрланамиз. Улар орасида бокс бўйича Осиё чемпиони, ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпиони, жаҳон чемпионатининг кумуш медал соҳибдори, Ўзбекистон чемпиони лейтенант Дилшод Маҳмудов, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари соҳибдори, Ўзбекистон чемпиони, шартнома бўйича хизмат сержанти Игорь Ҳалилов, дзюдо бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпионатининг кумуш медал соҳибдори, кураш бўйича жаҳон чемпиони, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Рамзиддин Саидов, трамполин бўйича Осиё чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Екатерина Хилько, байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё чемпионатининг кумуш медал соҳибдори, Ўзбекистон чемпиони, шартнома

Анастасия Журавлёванинг номи фахр билан тилга оламыз. Улар ва кўплаб бошқа спортчилар кўп маротаба Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори шохсупаларига кўтарилишган. Кўплаб мамлакатларнинг спорт майдонларида армиячи спортчиларимиз шарафига Ватанимиз мадҳияси янграмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг «Бугун яшил майдонларни тўлдириб, ўзининг куч-қуввати, азму шижоати ва иродасини намоён этаётган сиз каби мингмиглаб навқирон ёшларимизни кўрганда барчамизнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилади», деган сўзла-



ри спортчиларимиз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилсин ва юксак спорт муваффақиятларига, ғалабаларга руҳлантирсин. Шундан сўнг шартнома бўйича хизмат оддий аскари, кураш бўйича жаҳон чемпиони Рамзиддин Саидов ҳамда 2005 йилда дуатлон бўйича Осиё чемпиони Иван Морозов «Умумармия ўйинлари» маъжасини ёқди.

Иккинчи «Умумармия ўйинлари»нинг тантанали очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортчиларининг кўргазмалари чиқишлари ва Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда Республика эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида ўтказилган аёллар ва ёшлар форуми ҳаётимизга, онгу шууримизга салбий таъсир кўрсатаётган гиёҳвандлик, жиноятчилик, ақидапарастлик каби иллатларнинг олдини олишга бағишланди.

Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вилоят бошқармалари, маънавият ва маърифат маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамда Термиз Давлат университети ташкил этди.

Тадбирда гиёҳвандлик, ақидапарастлик ҳали-ҳамон сайёрамиздаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётгани таъкидланди. Бундай офатларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш барчанинг вазифаси бўлмоғи лозим. Бироқ, таассуфки, келажакимиз эгалари бўлган ёшлар орасида ана шундай иллатлар домига тушиб қолаётганлар ҳам учраб турибди. Демак, бу борада хотиржамликка

берилиш мумкин эмас.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни ҳамisha сергак ва огоҳ бўлишга, Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги йўлида жипслашишга чақирдилар. Мазкур иллатларнинг мудҳиш кўринишларини акс эттирган сахна кўринишлари намойиш этилди. Вилоятдан етишиб чиққан таниқли ёш спортчи йигит-қизларнинг чиқишлари тадбирга алоҳида файз бағишлади. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлар ижросида Ватан, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-кўшиқлар янгради.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуратов иштирок этди.

(ЎЗА)

Шарҳловчи минбари

ЭРОНДА ЕР СИЛКИНДИ

Эрон жанубидаги Луристон вилоятида кучли zilzila рўй берди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 6 баллга етган. Дастлабки маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида эллиқдан ортиқ одам ҳайтдан кўз юмган, мингга яқин киши жароҳатланган.

Zilzila маркази Боружард ва Дуруд шаҳарлари оралигида экан. У ердаги кўплаб қишлоқлар бутунлай вайрон бўлган.

Айни пайтда фожиа оқибатларини бартараф этиш мақсадида кутқарув ишлари олиб борилмоқда. Жабрланганларга ёрдам кўрсатилаяпти. Кутқарув ишларига Эрон ҳарбий-ҳаво кучлари ва армия қисмлари жалб этилган. Уларга маҳаллий кўнгилчилар кўмаклашмоқда.

Табиий офатдан айниқса Боружард шаҳри кўп зарар кўрган. Тураржой бинолари, мактаблар вайрон бўлган. Электр узатиш қурилмалари ишдан чиққан.

Эрон сейсмик фаол минтақада жойлашган. 2003 йили Кермон вилоятида юз берган zilzila 30 кишининг умрига зомин бўлган эди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Муаммо ҳақида мулоҳаза

Зоминда бўлганмисиз?.. Хей аттанг! Хали ҳам бир ҳафсада килиб, зоминликлар меҳмони бўлинг. Бепоен кир-адирларини, осмонўпар тоғларини, уфққа туташ боғу роғларини, арчазору лозазорларини бир сайр этинг. Биллурий тоза ҳавосидан, чўққилардан ўйнаб-ўйнаб тушаётган шалоласидан тўйиб-тўйиб симиринг — сихатингиз, куч-қувватингиз ошади. Ахир, шу омиллар туфайли зоминликлар соғлом, бақувват, оқилу доно-да!

Уларнинг яна бир саломатлик манбаи бор. Бу — «Зомин асали» деб аталувчи хазиначилик. «Зомин асали» уюшмаси ташкил этилганига атиги уч йил бўлди. Бироқ, ана шу қисқа вақт ичида уюшманинг довуриги ошиб, махсулотлари республика бозорларини эгаллай бошлади. Лекин, ёзмоқчи бўлганларим бу ҳақда эмас. Негаки, «Зомин асали» сингари сифатли, хуштам, шифобахш асал етказиб бераётган бундай уюшма ёки бошқа шаклдаги жамоа жуда кам. Жиззах

Асаларилар берадиган яна бир махсулот — уларнинг захридир. Жаҳон бозорида бу махсулотнинг бир килоси 200 доллар аурофида харид қилинади. Таркибида ўндан ортиқ модда бор. Табобатда радикулит, бод, бронхиал астма, гипертония, бош оғриғи, асаб касалликларини даволашда, қон томирларини кенгайтириш ҳамда организмда модда алмашинувини яхшилашда кенг фойдаланилади.

Асалари сутининг ҳам минг бир хосияти бор. Бу ноёб суюқликнинг

га, гунчадан-гунчага кўниб, экинларини сифатли чанглатишларидан хурсанд бўлардилар. Зеро, асаларилар чанглатган пахта ҳосилдорлиги 26 — 28 фоизгача, мева-резавор ҳосилдорлиги 50 — 60 фоизгача ошар, йўқичқа уруғи 2 — 3 хисса кўпаяр экан-да!

Асаларичиларнинг айтишича, бир асалари оиласи бир йилда 150 — 160 килогача асал ғамлайди. Бизнеснинг шароитимизда шу асалнинг ярми истеъмол учун олиниб, ярми асалариларнинг ўз эҳтиёжлари учун қолдирилса, етарли бўларкан. Бироқ, ҳозирги пайтда юртимизда асалари ҳам, асал ҳам камёб бўлиб қолди. Ана шу «камёб»лари ҳам асосан хусусий тадбиркорлар қўлида. Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари бахонасида биз юқорида ёзган Зафаробод тумани

ИШЛА, АРИЖОН, ИШЛА!

вилоятида 3 — 4 та жамоа ва ўнлаб хусусий тадбиркор, Сирдарё вилоятида 2 та жамоа ва ўнлаб тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Ҳатто, Самарқанддай катта вилоятдаги каттаги асаларичилик бирлашмаси таркибидаги асаларичилар ҳам бундан ўн йил олдингидан уч марта камайиб кетди. Улар ҳам қутилган асални етказиб бера олмаптилар.

Хўш, шундай экан, бугун экологик тоза ва шифобахш асални қаердан топиш мумкин? Агар Самарқанд томонидан кела туриб, Жиззахга қирраверишда Бахмалсой кишлогидан ўтган бўлсангиз, йўл четидан олма ва асал сотиб ўтирган юзлаб тадбиркорларни кўргансиз, ҳатто, машинадан тушиб, уларнинг сап-сарик асалларини ҳавас билан сотиб ҳам олгансиз. Лекин сифатидан қониқмагансиз.

Самарқанднинг «Сибё», Жиззахнинг «Кўк бозор», Гулистоннинг «Гулистон», Тошкентнинг «Отчолар»-у «Чорсу» бозорларида ҳам қанча керак бўлса, шунча топасиз. Маҳаллалар, гузарлар, кўчалар ва кишлоклар кезиб, арава-арава, «хуржун-хуржун» асал сотиб юрган чақонларни ҳам кўп кўргансиз. Лекин буларнинг аксарияти асал хиди берилган шакар қиёмларидир. Шунинг учун тоза асални изланг...

Юсуфжон Онолбоев деган дўстим бор. «Асал» ёки «асалари» дейишса, ўзини томдан ташларди бир пайтлар. Ҳозирги пайтда Зафаробод туманида фермерлик қилади. Ўзи ва оиласи учун бир неча қути асалари сақлайди. Хушмуомала, асални кўп еганидан асалғуфтор йигит. Уни ахтардим.

— Асалари бўлмаса, асал қайда? — дея гап бошлади у асал ҳақида сўраш билан. — Ўзим асаларини етти хазинанинг бири деганларича бор. Эҳ-ҳе, ўндан нималар олинмайди дейсиз. Келинг, аввал шу ҳақда гаплашайлик-да, сўнг бу жониворларни қандай асраш-у, қандай кўпайтириш ҳақида фикрлашайлик.

Юсуфжон бир лаҳза ўйга толди-да, уйларини жамлаб бўлгач, сўз бошлади:

— Асаларининг биринчи ва асосий махсулоти АСАЛ эканини ҳамма билади. Унинг тўйимли озуқа сифатида тенги йўқлиги рост. Олимларнинг айтишича, асал таркибида фосфор, калий, кальций, натрий, хлор, магний, темир ва олтингугурт тузлари, ўндан ортиқ микроэлемент, кўплаб органик кислота-ю, витаминлар мавжуд. Шу боис табобат илмининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино бобомиз ўнлаб касалликларни асал билан даволашни тавсия этганлар.

Агар ўқиган бўлсангиз, хусусан, «Тиб қонунлари» китобида асалнинг инсон қон томирларини кенгайтириш ва тозалаш хусусияти борлигини, кўз хиралашини, асаб, жигар, жинсий ожизлик, ошқозон, ичак касалликларига даво эканини ёзган.

жаҳон бозоридаги қиймати ҳеч қачон 450 кило соф асал қийматидан кам бўлмаган. Ўндан саноат асосида ажойиб кукунлар ажратилиб, дорилар тайёрланади. Махсус кремларга айланган бири саналади.

Булардан кўриниб турибдики, «асалари» деган жонивор — қони фойда. Уларнинг ўзларига катта қурайдиган мумларини олинг. Лакбўёқ ишлаб чиқаришда, косметика ва атир упада энг қимматбахо хомашёлардан бири саналади.

Асал елими-чи? Асаларилар уни эндигина очилаётган куртак ва гунчалардан олиб, ўз қутиларининг ёриқ ва тирқишларини беркитишда фойдалансалар, биз ўндан тери касалликларини даволовчи малҳам олиш, ёғочларга ранг ва силликлик



беришда фойдаланамиз. Агар асал сақланган идишлар ювиндисига қотирилган нон ва ачитки солиб, бижигилса, асал сиркаси пайдо бўлади. Бу сирка озиқ-овқат сиркаси сифатида ниҳоятда ёйишли ва фойдалидир.

— Шошманг, Юсуфбой! — дея тўхтатдим сўхбатдошимни. — Қараб турсам, йўқ асалари ва йўқ асал ҳисобидан кечгача гапирадиганга ўхшайсиз. Сиз яхшиси, менга асаларичилик билан шуғулланаётган бирор жамоа, идора ёки фирма манзилни айтиб кўя қолинг. Ахир, асаларилар ҳақида шунча гап билган одам уларни қаердан топишни ҳам биларсиз?..

Юсуфбой бош чайқачди. Афсус ва надоматдан бошқа ҳеч нарса айта олмади. Бироз, «ўндай-бундай» дея чайналди-да, Самарқандда бирлашма, Жиззахда «Зомин асали», «Жиззах» уюшмалари, Сирдарё ва Сайхунобод томонларда яна бир неча асалчилар борлигини айтди.

Бир пайтлар у Зафаробод туманидаги асалчиликка ихтисослашган мўъжазгина хўжалик раҳбари эди. Ушбу мўъжаз хўжалик ихтиёрида кўплаб асалари бўлиб, йилига 100 — 120 тонна асал ишлаб чиқариларди. Хўжалик асаларилари Жиззахнинг деярли кўпчилиги туманлари ва қисман Сирдарё вилояти пахта далалари ёнларида, бедазорлар уватларида, тоғли худудларнинг боғроғлари яқинида боқиларди.

Бундан нафақат асаларичилар, балки ўша худудлардаги дехқон-у боғбонлар ҳам хурсанд эдилар. Йўқ, улар арзон асал ялаганларидан эмас, асалариларнинг гулдан-гул-

даги асалчилик хўжалиги тарқаб, Жиззах туманидаги яна бир хўжалик бошқа соҳага ўтиб кетди. Янгиер, Сайхунобод, Сирдарё, Оқолтин туманларидаги кўплаб асаларичилик жамоалари ўз касб-корларини ўзгартирдилар. Бу ҳол соҳанинг на мутасадди раҳбарларини, на туманлар ҳокимликларини ташвишга солди. Улар «Асаларилар учун шакар йўқ, қути етишмайди, яйлов йўқ ва ҳоказо», — деган баҳоналар билан ўзларини юпатишиб, жамоалар фаолиятини ўрганмадилар, таҳлил этмадилар, амалий чора-тадбирлар кўрмадилар.

Вилоятларда асалчилик хўжаликлари тугагач, ўз касбини севган, «нонни асалга ботириб еб ўрганган» саноклигина асаларичилар ўз ҳисобларидан у ер-бу ерда «уя қуриб», фаолият кўрсатиб юрдилар. Улар ўзларича «хаваскор асаларичилар жамияти» тузишиб, жамоатчилик асосида соҳани ривожлантиришга ёки ҳеч бўлмаса, мавжудлигича давом эттиришга ҳаракат қилишди. Бироқ, уларни ҳеч ким қўлаб-қувватламади. Ўзларининг аъзолик бадаллари ҳисобидан олға одимлаш қийинлашди. Сабаби, турли эмлаш ва қарши кураш дори-дармонлари етишмаслиги, бидон, асал ажратгич, фляга, қутилар ва тутатгичлар камёблиги эди.

Юқорида Бахмалсой кишлогиди асалфурушликка ишора қилган эдим. Бу кишлокдан ҳар куни у ёқ-бу ёққа ўтувчи минглаб йўловчилар йўл устидаги асал расталарини кўрганларида беихтиёр «Жиззах вилояти асал қони экан, одамлари эрталабки нонуштада асал, чошгоҳда асал, тушликда асал ва кечки овқатда асал ейишса керак», — деб ўйлашлари турган гап. Кошқийди, бу асалларнинг лоақал ярми асал бўлса! Уларни эҳтиёткорлик билан харид қилмасангиз, баъзи касалликлар — хусусан, қандли диабетни кучайтириши, босимни ошириши ва ҳатто, аллергия кўзга-тиши мумкин.

Қиссадан ҳисса қилиб, нима демоқчиман? Аввало, юртимизда айна пайтда фаолият кўрсатаётган хаваскору мутахассис асаларичилар ҳисобга олиниб, бирлаштирилиши керак.

Тегишли банклар томонидан уларга имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилиши, коллеж ва ўқув юртларида соҳа мутахассислари тайёрлаш лозим.

Асалари оилаларини кўпайтириш ва соҳага ихтисослашган хўжаликларни қайта тиклаш билан бирга махсулотни қайта ишлаш, асалчиларни рағбатлантириш, қадоқлаш корхоналари ташкил этиш ва аҳолига сифати кафолатланган асал етказиб беришни йўлга қўйиш лозим. Шунда арилар ишлайверади.

Инсон саломатлиги учун инсоннинг ўзидан минг марта кўп меҳнат қиладиган асалариларни сақлайлик ва кўпайтирайлик. Мамлакат аҳолиси дастурхонини экологик тоза ва шифобахш неъмат билан бойитишнинг синалган йўли — шу!

Келдиёр ЖҲАКУЛОВ

Спорт + Футбол ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТДА — ҲАКАМЛАР

18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Олий лигасининг 2-туридан ўрин олган «Шўртан» — «Бухоро» жамоалари учрашуви бош ҳаками Даврон Шоқурбонов ҳамда унинг ёрдамчиси Шухрат Йўлдошевлар ЎФФнинг ҳакамлар ва экспертлар қўмитаси қарори ва тартиб ўрнатиш кодекси меъёрларига кўра, ҳакамлик фаолиятдан 1 ойга четлатилди. Бу ҳақда ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими хабар тарқатган.

ЎФФ ҳакамлар ва экспертлар қўмитаси раиси Валерий Лёткиннинг сўзларига кўра, «Шўртан» — «Бухоро» жамоалари ўйинидан сўнг меҳмонлар — Усмон Тошев ҳамда ЎФФга шикоят мактуби билан мурожаат қилган. Унга кўра, учрашув бош ҳаками Даврон Шоқурбонов ўйиндан ташқари ҳолатдаги голни ҳисобга олган ва ўйинни майдон марказидан бошлаш керак эканлигини кўрсатган.

Ўйин ёзилган видеотасма қайта томоша қилинганида, «Бухоро» жамоасининг эътирозига ҳақли эканлигига гувоҳ бўлинган. Гол ҳақиқатан ҳам, ўйин қоидаси бузилган ҳолда, яъни офсайддан киритилган. Ҳакамлардан ташқари, учрашув назоратчиси Сардор Наджафалиев ҳам бир ойлик дисквалификацияга лойиқ деб топилган.

Ўйин натижаси эса ўзгармай қолаверади. Эслатиб ўтамиз, ушбу ўйинда айнан ҳисобга олинган гол туфайли бухороликлар сафарда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрашган эди.

ОЛИМПИАЧЛАР

САФАРГА ҲОЗИРЛАНИШМОҚДА

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси 13 апрел куни Вьетнамга учиб кетади. Бу ҳақда ЎФФ «Терма жамоалар» бўлими бошлиғи Алишер Никимбаев маълум қилди.

Аввал хабар қилганимиздек, терма жамоа бош мурабийи Равшан Ҳайдаров 2-5 апрел кунлари Тошкентдаги ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилганди. Йиғин давомида яна бир қатор футболчилар синовдан ўтказилади ва яқунда Вьетнамга йўл оладиган 18 нафар футболчи саралаб олинади. 16-20 апрел кунлари Вьетнамда ўтказиладиган халқаро турнирда Австралия, Эрон, Вьетнам ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари иштирок этади. Ўзбекистон терма жамоаси иштирокидаги ўйинлар тақвими куйидагича:

16 апрел Вьетнам — Ўзбекистон

18 апрел Ўзбекистон — Эрон

20 апрел Австралия — Ўзбекистон

АЛАМЛИ МАҒЛУБИЯТ

УЕФА кубоги баҳсларида Россия шарафини ҳимоя қилаётган ягона жамоа Санкт-Петербургдаги «Зенит» клуби сафарда Испаниянинг «Севилья» жамоасига йирик ҳисобда ютқазиб қўйди. Ўйиндаги 4:1 ҳисобидаги натижа «Зенит»нинг ярим финалга чиқиш орзусини амалга ошишини шубҳа остига қўйди.

Чорак финалнинг қолган ўйинларида куйидаги натижалар қайд этилди:

«Левски» (Болгария) - «Шальке» (Германия) - 1:3,

«Базель» (Швейцария) - «Милдсбро» (Англия) 2:0,

«Рагид» (Австрия) - «Стяуа» (Руминия) 1:1.

ШЕВЧЕНКОНИНГ САДОҚАТИ

Украина терма жамоаси ҳамда Италиянинг «Милан» клуби ҳужумчиси Андрей Шевченко ўзининг Лондоннинг «Челси» жамоасига ўтиши ҳақидаги Англия газеталарида чоп этилган маълумотларни қатъиян рад этди.

Ақсича, Шевченко «Милан» да бир умр ўйнашга ҳам рози эканлигини билдирган.

Шоҳмот

ҚЎШ ҒОЛИБ

Франциянинг Монако шаҳрида ноанъанавий шоҳмот турнири ниҳоясига етди. Ўзининг гаройиблиги билан бошқа турнирлардан фарқ қилган мусобақалар қизиқарли тус олди. Жаҳоннинг ман-ман деган шоҳмотчилари донна сурган партияларда гроссмейстрлар ўзларининг тезкорлиги ва шоҳмот доскасини хаёлан кўриб ўйнай олишларини ажойиб тарзда намойиш этдилар. Сўнгги тур олдидан ҳиндистонлик Вишванатан Ананд рақибларидан ярим очко олдинда бораётганди. Ҳал қилувчи баҳсда у ФИДЕ чемпиони Веселин Топалов билан дуранг ўйнади. Уни таъқиб этиб келаётган россиялик Александр Морозевич голландиялик Люк ван Велини мот қилиб, пешқадамни қувиб етди. Натижада ғайриоддий турнирнинг ғолиби ҳам қўшалоқ бўлди. Учунчи ўрин испаниялик Франциско Валехога насиб этди.

Турнирнинг мукофот жамғармаси 216 минг евро миқдоридидаги маблағ ҳам энди иккига бўлинади.

Теннис

МАЙАМИ ФИНАЛИДА — РУС ҚИЗЛАРИ

Американинг Майами шаҳрида ўтаётган теннис турнири финалида аёллар баҳсида икки россиялик — Мария Шарапова ҳамда Светлана Кузнецова ўзаро беллашадиган бўлди.

Шарапова ярим финалда франциялик Татьяна Головинани енгган бўлса, Кузнецова турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси Амели Моресмони 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, теннис муҳлислари финалда икки россиялик қизлар баҳсини томоша қилади.

Абдулхай ЮНУСОВ тайёрлади

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН



3-9 апрел

ДУШАНБА, 3

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Голливуд илонлари».
9.25 «Камалак» экран.
10.15 Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан. «Сохибкирон». Видеофильм
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг».
11.40 А. Орипов. «Сохибкирон». Спектакл.
12.50 ТВ анонс.
12.55 «Сохибкирон». Спектакл.
13.50 «Кўшигимсан, мухаббат»
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 Олтин мерос.
14.30 «Портретга чизгилар».
14.45 «Товус малика». Б/ф
16.15 ТВ анонс.
16.20 «Бир асар тарихи».
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси
17.35 «Хамон ёдимда». 2-қисм.
18.00 Оқшом наволари.
18.10 «Умр дафтари». Озод Шарофиддинов. 1-қисм.
18.30 «Кўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с
21.00 «Ахборот».
21.40 Аслидин Дўстов куйлайди.
22.00 «Тақдир ўйини». Т/с
23.10 «Кўшигимсан, мухаббат»
23.20 «Олам ва одам» дастури: «НУЖ кундалиги». 1-қисм.
23.45-23.50 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 SMS тест + анонслар.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Ешлар овози.
18.10 Чемпион сирлари
18.30 Ешлар куйлаганда.
18.50 SMS тест + анонслар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест + анонслар.
19.40 Ракурс.
19.55 Кино SMS.
20.00 Олий лига кундалиги.
20.20 «Баҳор наволари». Собир Нуриддинов куйлайди.
20.40 SMS тест + анонслар.
20.45 UzEX хабарлари.
20.55 Эълонлар.
21.05 «Шубҳа». Телесериал.
21.50 SMS тест + анонслар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 UzEX хабарлари
22.50 «Келажакка қайтиб». Б/ф
23.35 Дастурнинг ёпилиши.

TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.50, 20.20, 21.35 «ТВ анонс».
18.55 Болажонлар экран.
19.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.40 «Бир жуфт аския».
19.45, 21.40 «Телекуррьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Жилванмаган Африка». Хужжатли телесериал.
20.50, 22.10 «Экспресс»
21.05 «ТВ юрист».
21.10 «Камила». Телесериал.
21.55 «Журналист тахлили».
22.25 «Нажот хайкириги». Б/ф
23.50-23.55 «Хайрли тун, шахрим».

SPORT-TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Детеныши диких животных». Сериал.
9.00 «Талкин». Информационно-тахлилий кўрсатув.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10 Жаҳон спорти: Баскетбол. NBA.
11.10 Ўзбекистон чемпионати. Мини футбол
11.40-12.55 «Бальто-2». Мультфильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортивиз маликалари».
20.45 «Буглионский цирк».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Команда». Сериал.
22.35 «Проф-РИНГ».
23.25 «Самая обаятельная и привлекательная». Худ. фильм.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Markaz TV

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Мировые хиты
14.10 ТОП-10 (повтор)
15.00 Теленяня
16.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.20 Made in India
18.30 «Кинокуррьер» (повтор)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.20 Сериал
20.20 Узбек наволари
20.30 «Судьбы»
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «За бортом»
24.00 Миксер

DTV-VIASAT

08:00 М/ф
09:00 Т/с «НЯНЯ»
09:30, 16:30 Д/ф «Как уходили кумиры»
09:55 Неслучайная музыка
10:00 Телемагазин
10:30, 1:25 «Карданный вал»
10:50 Х/ф «ШОУ-БОЙ»
13:05, 20:00 Самое смешное видео
13:35 Т/с «КОМАНДА «А»»
14:30, 19:00 Т/с «КРУТОЙ УОКЕР»
16:55 Х/ф «ГИПЕРБОЛОИД ИНЖЕНЕРА ГАРИНА»
20:25 Шоу Б. Хилла
20:55 Т/с «БАНДИТСКИЙ ПИТЕР-БУРГ»
22:00 Д/с «Опергруппа, на выезд!»
23:05 Х/ф «ИСКАТЕЛИ ПРИКЛЮЧЕНИЙ»
01:45 «Криминальные новости»

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11:00, 14:00, 17:00, 22:40, 2:00, 4:00 Новости
8.05 «Убойная сила». Т/с
9.20 «Детективы»
9.50 Т/с В мире преступных страстей»
11.20 «Большая любовь Клавдии Шульженко»
11.50 «Не хлебом единым...»
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 Т/с «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Большие девочки»
17.40 «Любовь как любовь». Т/с
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Заколдованный участок». Т/с
21.30 «Роман со звездой»
23.00 Теория невероятности
23.50 «Гении и злодеи»
0.20, 2:05 Х/ф «Американский президент»
2.15 Х/ф «Зло»
3.50 Тайны века

РОССИЯ

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Х/ф «В квадрате 45»
9:05 «Гений пародии»
9:50, 12:45, 15:25, 23:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00

ВЕСТИ.
10:30, 13:20, 15:40, 19:30 ВЕС-ТИ-МОСКВА.
10:50 «Комната смеха».
11:45 «Частная жизнь»
13:40 Х/ф «Мой любимый клоун»
16:15 «Смехопанорама».
16:50 «Обреченная стать звездой». Т/с
17:45 Т/с «Волчица»
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Т/с «Опера-2. Хроники убойного отдела».
20:55 Т/с «Призвание»
22:20 «Дежурный по стране»
23:35 «Честный детектив»
0:05 «Синемания».
0:40 «Дорожный патруль».
0:55 Х/ф «Графиня из Гонконга»

ТНТ

4.45, 18:30, 23:35 «Москва: инструкция по применению»
5.10, 11:15 МУЛЬТФИЛЬМ
7.25 Предприниматель.
7.40 Наши песни.
8.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ». Т/с
9.00 «ЛЕТНЯЯ ШКОЛА». Х/ф
12.30, 18:00 Такси.
13.00 «ДЕВСТВЕННИЦА». Т/с
14.00, 24:30 Реалити-шоу [ОФИС].
15.00, 20:00, 23:05 «Дом-2. Новая любовь!»
16.00 «Школа ремонта»
17.00 «Возможности пластической хирургии»
19.00 «Запретная зона»
21.00 Х/ф «СЧАСТЛИВЧИК ГИЛМОР»

СТС

07.00 Т/с «ШПИОНКА»
07.50, 14:30 МУЛЬТФИЛЬМ
08.30, 10:30, 19:25 Т/с «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»
09.00, 21:00 Т/с «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ»
10.00, 20:30, 24:30 Истории в деталях
10.28, 20:58, 24:58 «Настроение»
11.00 Х/ф «РЫЦАРЬ КАМЕЛОТА»
13.00 Т/с «БЕДНАЯ НАСТЯ»
14.00 Т/с «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ»
17.00 Т/с «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА»
17.30 Т/с «ДОКТОР КТО»
18.30 Т/с «ЗАЧАРОВАННЫЕ»
22.00, 1:00 Т/с «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
22.30 Х/ф «Американские герои»
02.30 Т/с «ЦИТ»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 «Кулинарный поединок»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «ЧИСТОСЕРДечНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
9:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:30 Т/с «БАНДИТСКИЙ ПИТЕР-БУРГ-7»
14:30, 17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:25 Т/с «Морские дьяволы»

18:40 Т/с «Улицы разбитых фонарей-7: Чужие окна»
19:50 Т/с «Одна тень на двоих»
21:40 Т/с «АЭРОПОРТ»
22:45 «СТИХИЯ»
23:20 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:15 «ВСЕ СРАЗУ!»
0:45 Х/ф «Смертельная ловушка»
2:20 «Анатомия преступления»
3:25 Т/с «МЕДИЦИНСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ»
4:15 Т/с «Слепое правосудие»

REN-TV

7.30 МУЛЬТФИЛЬМ
7.55 «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ. ДИКИЙ МИР». Т/с
8.40 «МЭШ». Т/с
9.35 «Очевидец»
10.30, 13:30, 24:30 «24». Информационная программа.
10.50 Час суда
13.00 TV-club.
14.00 «Невероятные истории»
15.00 Камера кафе.
15.15 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Т/с
16.15 Мозголомы: насилие над наукой.
17.30 «ВОВОЧКА». Т/с
21.00 «БОЕЦ». Т/с
22.10 «СОЛДАТЫ-7». Т/с
23.20 «СТУДЕНТЫ-2». Т/с

СЕШАНБА, 4

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «НУЖ кундалиги». 1-қисм.

9.15 «Ўйла, Изла, Топ!»
10.10 «Жавоҳир».
10.15 Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан. «Сохибкирон». Видеофильм
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с
11.55 «Остонаси тиллодан».
12.15 «Сабр». Теленовелла.
12.40 ТВ анонс.
12.45 «Тақдир ўйини». Т/с
13.50 «Кўшигимсан, мухаббат»
14.00 «Ахборот».
14.20 «Умр дафтари». Озод Шарофиддинов. 1-қисм.
14.40 «Бир улка-ки».
15.00 «Ахборот»
15.15 Олтин мерос.
15.25 «Алп йигитнинг ўйланиши». Бадий фильм.
16.30 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
16.45 «Олов - тилсиз ёв».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Ақл ва идрок».
17.50 «Ҳаёт ва қону».
18.10 «Умр дафтари». Озод Шарофиддинов. 2-қисм.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 «Кўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 7-қисм.
19.10 «Банк ва миҳоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с
21.00 «Ахборот».
21.40 «Эркин мавзу».
22.00 «Тақдир ўйини». Т/с
23.10 «Кўшигимсан, мухаббат»
23.20 «Олам ва одам» дастури: «НУЖ кундалиги». 2-қисм.
23.45-23.50 Тунги наволар.

YOSHLAR

6.25 Дастурнинг очилиши.
